



## ИСАМАТ ЭРГАШЕВ КИНОКОМЕДИЯЛАРИ

**Муҳайё Мухторова**

ЎзРФА Санъатшунослик институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7262646>

**Аннотация.** Ушбу мақолада режиссёр Исамат Эргашевнинг “Темир хотин”, “Темир эркак”, “Шариф ва Маъриф”, “Тилла бола” комедиялари ўзаро қиёсий таҳлил қилинган бўлиб, ҳар бир фильмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Фильмларда комедиянинг ўзига хос турлари, хусусиятлари ифодаланганлиги, миллий колоритдан моҳирона фойдаланилганлиги, улардаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида атрофлича муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** кинематография, комедия, жанр, кулгу, миллий колорит, кинокомедия, комик фильм, режиссёр, актёр

**Аннотация.** В этой статье комедии режиссера Исамата Эргашева “Железная женщина”, “Железный человек”, “Шариф и Маъриф”, “Золотой мальчик” описываются как сравнительные между собой, рассказывая об особенностях каждого фильма. В фильмах подробно обсуждались конкретные виды комедии, выражение ее особенностей, умелое использование национального колорита, достижения и недостатки в них.

**Ключевые слова:** кинематография, комедия, жанр, смех, национальный колорит, кинокомедия, комический фильм, режиссер, актер

**Annotation.** In this article, the comedies directed by Isamat Ergashev “Iron Woman”, “Iron Man”, “Sharif and Ma'rif”, “Golden Boy” are described as comparative with each other, talking about the features of each film. The films discussed in detail specific types of comedy, the expression of its features, the skillful use of national color, achievements and shortcomings in them.

**Key words:** cinematography, comedy, genre, laughter, national flavor, film comedy, comic film, director, actor

Исамат Эргашевнинг комедиялари ҳақида сўз юритилар экан, унинг ижодида мавжуд ҳаётий аччиқ муаммолар ўткир кулги билан экранга олиб чиқилиши кузатилади. 1990 йилда суратга олинган “Темир хотин” фильми ҳам шундай комедиялардан бўлиб, ўзбек киносида катта воқелик бўлди дейиш мумкин. Шароф Бошбековнинг шу номли асарида ҳаёт ҳақиқати комик холда акс эттирилган бўлса, фильмда ижтимоий, томошабинни йиғлатадиган муаммолар жанрларнинг қоришиқ ҳолатида кулгу воситасида очиб берилди. Зеро, “Темир хотин” фильми ҳам трагикомедия сифатида бир қатор муаммоларни олиб чиқди. Ва ушбу муаммолар турлича, образларда, қаҳрамонлар тилида, воқеаларда баён қилинди.



Экрандаги ҳар бир детал, нураган уй, аранг ўзини тутиб турган кравот, номигагина ясаб қўйилган қўйхона ва бошқалар бу уйдаги инсонларнинг ижтимоий ҳолатидан, ўша давр кишиларининг турмуш тарзидан дарак берса, Олимтой (Жамшид Зокиров ижросида)нинг “оилани планлаштириш” деган гапларидан воқеаларнинг қайси даврда бўлаётганлигини англаш мумкин бўлади. Бу ходисалар 1980 йилларга тўғри келиб, халқ пахта сиёсати ва турли бошқа етишмовчиликлардан қийналаётган давр эди.

Фильм бошида чойхонадаги кишиларнинг ароққа муккасидан кетганлиги, хотиндан нолишлари, “идеал аёл” орзусида эканликларини кўрсатса-да, аслида бу қишлоқда ундай аёл йўқ. Сабаби аёлларнинг юмушлари шу қадар кўпки, улар темир хотиндан ҳам мустаҳкам бўлишга мажбур эканликлари кўрсатиб ўтилади. Ҳаттоки “темир хотин” чидамаган юмушларни қишлоқ аёллари умр бўйи қилиб юришлари фильм давомида бир неча эпизодларда келтириб ўтилади. Аммо фильмда бош қаҳрамон “Темир хотин” эмас. Асосий қаҳрамон Қўчқор (Мурод Ражабов ижросида); содда, тўпори, беғам, ҳазилкаш қишлоқ одами. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати томошабинда кулгу уйғотса-да, аммо фильм якунида унинг қисматига ачиниш туйғуси пайдо бўлади. Қўчқорнинг сал тўполон бошласа арқонлаб қўйилиши эпизоди томошабинларга жуда кўп фикрларни беради. Бу қаҳрамон тутқун, эркидан маҳрум, ўша даврда ўзбек халқининг куллик ва мутеълик исканжасида бўлган бир вакили эканлигини кўрсатса, фильм давомидаги воқеалар ва диалогларда бу фикрлар мустаҳкамланиб боради. Қўчқорнинг “Унда чиндан ҳам одамга ўхшар экан. Мана биз ҳам “пахта теримига” деган гапни эшитишимиз билан ҳамма ишимизни йиғиштириб қўйиб далага чиқиб кетаверамиз. Болаларимиз ўқишни ташлайди, хотинларимиз эмизикли боласини...”-каби қатор диалоглари шулар жумласидандур.

Гипноз эпизодида ҳам мавжуд муаммолар Аломат (Дилором Эгамбердиева ижросида) тилидан бериб кетилади. Шунини кўриш мумкинки, ушбу муаммоларни ҳаттоки “темир одам” ҳам қабул қила олмайди. Бу воқеаларга у ҳам ҳайратда қолади. Ва шу билан “темир хотин”лар аслида ким эканлигига ишора берилади. “Темир хотин” аслида Аломат эмас, аксинча шу қишлоқда бир неча йиллардан буён барча юмушларга – рўзғорига, оиласига, бола-чақасига, даладаги ишларга, хуллас ҳаммасига улгуриб келаётган Қумри (Дилором Қамбарова ижросида) сингари аёллар эканлигини фильмда очиб берилади. Аломатнинг фильм сўнгида куйиб



кетиши эса томошабинларга “Хой, кўзингизни очинг, темир дош беролмаган юмушларни аёлларингизнинг зиммасига юкламанг. Улар ҳам бир кун дош беролмай қолишларини, улардан айрилиб қолишингиз мумкинлигини унутманг” деб акс садо бераётгандек.

Фильмнинг муваффақиятида актёрлар ижросини эътироф этиш лозим. Қўчқор образи Мурод Ражабов ижросида қишлоқнинг ҳақиқий вакили сифатида жонланди. Унинг ҳаракатлари томошабинларни бир кулдирса, бир йиғлатди. Актёр қишлоқ одамининг ҳаётини аламли чизгиларда, бироқ комик характерда экранга олиб чиқди. Шунингдек, Дилором Эгамбердиева (Аломат), Дилором Қамбарова (Қумри), Ғани Аъзамов (Қўчқорнинг шишадоши), Жамшид Зокиров (Олимтой, кашфиётчи), Клара Жалилова (қўшни), Юлдуз Ҳамидова (қўшни), Шерқўзи Ғаниев (Бозорвой) каби актёрлар ансамблининг маҳоратли ижроси ҳам фильмнинг томошабинлар кўнглидан жой олишларига сабаб бўлди дейиш мумкин.

“Темир хотин” фильми ижтимоий муаммолар атрофига қурилган бўлиб, бу режиссёр Исамат Эргашевнинг ижодида янгилик эди. Бу фильм билан ўзбек киносига шундай хусусият – экранизация пайдо бўлди. Айтиб ўтиш лозимки, Шароф Бошбековнинг асари тўғридан тўғри экранизация қилинмади. Асардаги баъзи ўринлар олиб ташланди, баъзи жойлари эса қўшимча қилинди. Талайгина ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Қўчқорнинг туш кўриш эпизоди, нонга бориб келиш каби кўплаб кичик-кичик эпизодлар воқеаларни бир-бирига улаш ва томошабинларни экран қаршисида ушлаб туриш учун қўшилди.

Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари бир неча театрларда ҳам саҳналаштирилган бўлса-да, аммо Исамат Эргашев томонидан шу номда суратга олинган фильм ўзига хослиги, аччиқ ҳақиқатни нозик кулгуга ўраб берилганлиги, енгил юморларни турли мусиқалар билан бойитилганлиги, кўп ўринларда импровизация қўллаб кетилганлиги, энг муҳими эса халқ ичида яшаб келаётган кишиларнинг қатор дардлари олиб чиқилганлиги билан томошабинларга қадрдон фильмлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Исамат Эргашев “Темир хотин” фильмидан кейин “Темир эркак” (1991 й.) фильмини суратга олди. Ушбу фильм Ҳайдар Муҳаммаднинг “Хотинлар гапидан чиққан хангома” пьесаси асосида бўлиб, икки турдаги чуқур фалсафий ғояни комик ҳолатда томошабинга етказиб бериш мақсади олға сурилган. Биринчиси, ўша даврда аёлларнинг иш, бизнес баҳона оиладан, рўзғордан, аёллик нафосатидан узоқлашиб бораётгани фильм давомида



бир неча эпизодларда кўрсатиб ўтилган. Тамара (Тамара Шокирова ижросида) ва Мурод (Мурод Ражабов ижросида)нинг оиласи мисолида буни кўриш мумкин бўлиб, бу оилада аллақачон аёл ва эркекнинг ўрни алмашиб қолганди. Оила, рўзғор ва фарзанд тарбияси билан шуғулланиш Тамаранинг эсига ҳам келмас, у ҳаётдан завқланиб яшашни истарди. Зеро, ҳар куни ишдан ярим тунда қайтадиган, уй юмушларини эса эри бажариб ўтирадиган аёл – Тамаранинг хулқи ва хатти-ҳаракатлари саунада бўлиб ўтадиган қизлар “гаштаги”да ёрқин кўрсатилади. Иккинчиси эса, аёлларга бор масъулиятни юклаб, ўзи саунама сауна дам олиб юрадиган, кези келса аёлини дўстларига турли ўйинларда “ютқазиб” қўядиган эркекларга “пичоқни аввал ўзинга ур” қабилда оина тутилган. Дарҳақиқат, аёлларнинг қанча қанчаси шундай “эркак”лар сабабли боши берк кўчаларга кириб қолиш ҳолатлари ўша йилларда кўплаб учрарди. Айнан шу жиҳатларга урғу берган ҳолда пьесани экранга олиб чиққан режиссёр кулгу воситасида томошабинга ўз давридаги жиддий муаммони кўсатишни мақсад қилган. Ва бунда у аввалги фильм эришган ютуқлардан рухланган ҳолда бош рол учун Мурод Ражабовни танлаган. Шунингдек, Юлдуз Усмонова, Тамара Шокирова, Ғани Аъзамов, Зайнаб Садриева, Наби Раҳимов каби халқимизнинг сеvimли ижодкорларини ҳам жалб қилган бўлиб, ушбу фильм ҳам муваффақиятда аввалги фильмни такрорлаши кутилган эди. Бироқ фильм воқеаларида мавҳум эпизодлар талайгина. Айнан шу мавҳумликлар оддий томошабинда турли саволларни пайдо қилади. Хусусан, Мурод Тамарани севиб оила қурганмиди? Шундай бўлса, нега у Юлдузнинг уйида бемалол қолди. У ёш бола эмасди, уйига қайтиб кетса бўларди. Аммо қаҳрамон негадур бундай қилмади. Орадан икки кун ўтибгина хотини уни 20 тийинга сотиб юборганлигини билди. Кейин “қадрим 20 тийинлик эканми” деган хулоса билан яна Юлдузни уйида қолишда давом этди. Ваҳолангки, у Юлдузни уйига қадар буни билиши ва ана ўшандагина аёлини олдида қадри қанчалик арзон эканлигини билгани алам қилгани ҳолда Юлдузни уйида қолиш қарори ўзини оқларди. Ёки фильм сўнгида Муроднинг аёллар ёнидан сўзсиз ўтиб бориш эпизоди ҳам бироз мавҳум. Мурод одамлар ёнидан ўтиб борар экан, Тамаранинг ҳам ёнидан ўтиб кетади ва Юлдузнинг ёнида унга хайрихоҳ сингари тўхтайтиди. Бу эса томошабинда у энди Юлдуз билан қолди, деган фикр уйғотади. Бироқ кейинги эпизодларда эса Мурод аравага ота-онаси ва ўғлини солиб қишлоққа равона бўлади. Тамара эса кадрда кўринмайди, натижада у Тамарани ҳам, Юлдузни ҳам, шаҳарни ҳам ташлаб кетаётгандек тасаввур



қолдиради. Энг керакли фикр эса томошабин хукмига ҳавола қилингани ҳолда охирига етмагандек хулоса уйғотади.

Фильмнинг ўзи ҳам муаллифнинг пьесани ўқиш ва воқеаларни тасаввур қилиш шаклида суратга олинган. Муҳаррирларнинг орасидаги зўраки кулгу тарзида киритилган қаҳрамонлар ва уларнинг хазил-мутойибалари олиб ташланса ҳам фильмда ҳеч нарса ўзгармайди гўё. Зеро, Обид Асомов, Матёқуб Матчонов, Мурод Ражабов училигидаги муҳаррирлар фильм воқеаларидан узилиб қолган. Мана шу каби баъзи мавхумликлар сабабли “Темир эркак” фильми режиссёрнинг аввалги фильми муваффақиятини такрорлай олмади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг кинематография соҳасида ҳам кенг имкониятлар эшиги очилди. Шулардан яна бири хусусий киностудиялар томонидан суратга олинган фильмлар сони ортиб борди. Режиссёр Исамат Эргашевнинг 1993 йилда суратга олган “Шариф ва Маъриф” фильми ҳам шундай фильмлардан. Бироқ, айтиб ўтиш керакки, бу йилларда суратга олинган фильмларда комедия жанри ўзининг соф хусусиятларини йўқотиб, комекованияга (бачканалашиш, қитиқлаб кулдириш каби) қадам кўйди. “Шариф ва Мариф” фильмида ҳам зўрма-зўраки кулдириш, маълум худудгагина тегишли бўлган сўзлашув услубини кулгу воситасига айлантириш каби жиҳатлар кузатилади. Фильмда Толиб Хожиев, Шерали Хожиев, Дилором Қамбарова, Наби Раҳимов каби актёрлар ансамбли иштирок этган бўлиб, уларнинг актёрлик маҳоратидан профессионал фойдаланилмаган. Шунингдек, картинада чуқур бир ғояга таянилмаганлиги, комедия жанрининг хусусиятларига тўла жавоб бермаслиги бу фильмнинг шунчаки бир кулгули томошага айланиб қолишига олиб келган. Зеро, айнан комедия жанридаги фильмларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, енгил кулгу орқали аччиқ ҳақиқатлар томошабинларга олиб чиқилиши лозим эди.

Кейинчалик бу фильмнинг узвий давоми сифатида 1995 йилда “Ака Шариф Тошкентда” фильми ҳам суратга олинди. Гарчи бу фильмнинг режиссёри Исамат Эргашев эмас, Иброхим Расулов бўлса-да, “Шариф ва Мариф” фильмининг мантиқий давоми сифатида экранларга чиқди. Актёрлар, муҳит, қишлоқ номи, ҳатто кўшиқлар ҳам аввалги фильмдан олинганлиги буни кўрсатиб турипти. Бироқ бу фильм ҳам комедия шартларига нисбатан комекования шартларига кўпроқ тортиб кетди. Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб экскурсия тарзида суратга олинган бўлиб, фильм сўнгида Саид Ахмаднинг Тошкентга берган муносиб тарифидан



бошқа чуқур фикрлар кўзга ташланмайди. Фильмдаги гоё ҳам айнан шунга қурилган бўлиб, “Тошкентга яхши ният билан келган инсон албатта, мақсадига етади”, деган фикрларни олға сурган. Аммо кўпгина эпизодлар сунъий қурилганлиги билиниб қолган.

Айтиш мумкинки, шу даврдан ўзбек бадий киносида қайтариқ фильмлар (иккинчи қисм сифатида мантиқий давом этувчи) суратга олиш бошланди. Исамат Эргашев комедия жанридаги ижодини 1994 йилда суратга олинган “Тилла бола” фильми билан давом эттирди. Ушбу фильм Шароф Бошбеков асари асосида бўлиб, фильмда бу бир “уйдирма” сифатида томошабинларга тақдим этилади. Сценарийдан келиб чиқсак, сатирик комедия билан мелодраманинг омухтасига ўхшайди. Фильмни эса муסיқий комедия тарзида суратга олишга ҳаракат бўлган. Бироқ фильмнинг ўзида аниқ мақсад йўқолиб қолган. Фильмнинг бошида гўё “Тилла бола” (Шерали Хожиев ижросида) умуман тенги йўқ, яхши, устамон, хожатбарор йигитдек кўрсатилади. Аммо фильм жараёнида бу лўттибозликка асосланган, асосий қиладиган ишининг тайини йўқ қаҳрамоннинг ҳаёти ифода этилади. Нима учун барча одамлар уни шунчалик ҳурмат қилганлиги, у нимаси билан “тилла бола” деган номга эришганлиги фильмда очилмаган. “Тилла бола” бир қараса Рухсатой (Дилором Эгамбердиева ижросида)га, бир қараса Тиллаой (Мадина Мухторова ижросида)га мулозамат қилиб юради. Ва айти шу хусусияти уни масъулиятсиз, нождий қаҳрамон сифатида кўрсатади. Шунингдек, фильмда яна кўп фикрлар охирига етмайди. Линиялар бир ёқлама бўлиб қолган. Ҳаттоки айрим эпизодлар такрор бўлиб қолган ҳолатлар ҳам учрайди. Актёрлар ижросида бачканалик яққол сезилади. Айниқса, бош қаҳрамон - Шерали Хожиев ўз образини бачкана бир кўринишда гавдалантиради. Дилором Эгамбердиева, Наби Раҳимов, Мадина Мухторова, Эркин Комилов, Азиза Аминова, Ражаб Адашев, Клара Жалилова каби қатор таниқли актёрлар ансамбли бир фильмга жамланган бўлса-да, юқорида айтиб ўтилган қатор камчиликлар фильмни савиясиз, оддий маиший комедия даражасига тушириб юборади. Айтиш мумкинки, мана шу фильм бачкана, шунчаки савиясиз комедияларнинг бошланиши бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Исамат Эргашевнинг кинокомедиялари ўзбек киноси ривожига ўзининг улкан хиссасини қўшди. Улар нафақат томошавийлиги, шу билан бирга кино ва киножанрларнинг эволюциясида мустаҳкам ўрин эгаллади. Хусусан, “Темир хотин” фильми билан ўзбек



киносида шундай хусусият – экранизация пайдо бўлган бўлса, Мустақилликка эришилгандан сўнг очилган кенг имкониятлар эшиги режиссёр ижодида ҳам яққол сезилди. “Шариф ва Маъриф” фильми билан хусусий киностудиялар томонидан фильмлар суратга олиш дебочаси очиб берилди.

Айтиш мумкинки, 1995 йиллардан ўзбек бадиий киносида қайтариқ фильмлар (иккинчи қисм сифатида мантиқий давом этувчи) суратга олиш бошланди. “Ака Шариф Тошкентда” фильми айнан “Шариф ва Мариф” фильмининг давоми тариқасида суратга олинди. Гарчи бу фильмнинг режиссёри Исамат Эргашев эмас, Иброхим Расулов бўлса-да, аммо картина мантиқий ва услуб жиҳатдан унинг давоми эди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, режиссёр ижодидаги “Тилла бола” фильми эса бачкана, савиясиз фильмлар бошланиши бўлди.

Исамат Эргашевнинг кинокомедиялари орасида фақатгина “Темир хотин” фильми ўзининг бадиий қиммати ва чуқур мушоҳадага ундаши билан режиссёр комедияларининг энг сараси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, айнан шу фильмгина бугунги кунда ҳам экранларда яшаб, ўз томошабинларига эга бўлиб қолмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009. - 98 б.
2. Аннотированный каталог художественного кино Узбекистана (1925-2008)- Т:, 2009. 240 стр.
3. Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. – Ташкент.: Издательство журнала “San’at”. 215 стр.
4. Каримова Н. 1960-1990 йиллар ўзбек бадиий киносида ёш қаҳрамон образи (номзодлик диссертацияси) - Т:, 1997 й. 134-бет.
5. Якубов Б. Кино назарияси // “Fan” нашриёти. Т:, 2022 йил. 46 бет.
6. Ўзбекистон санъати // “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.Т:, 2001.

